



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 221 (12.282)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда иқтисодий соҳасида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислохотлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ва хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хориж капитали ҳисобига барпо этилган «АРТ ФУРНИТУРА» корхонаси шулар жумласидандир. Корхона италиялик ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларидан андоза олган ҳолда аҳолини сифатли мебеллар билан таъминлаб келмоқда.

— Корхонадаги барча дастгоҳлар Италиядан келтирилган бўлиб, «SCM group» фирмаси билан ҳамкорликда иш юритилмоқда, — дейди корхона директори ўринбосари Бакир Турдиев. — Бугунги кунда корхонамизда фаолият юритаётган ходимларнинг умумий сони 51 нафарни ташкил этиб, ишчиларимизнинг аксарияти ёшлардан иборат. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз асосан ётоқ, ошхона ва меҳмонхона учун мўлжалланган мебел тўпламларидан иборат.

Жорий йилда корхонага 305 миң АҚШ доллар хорижий инвестиция ки-

ритилган бўлиб яна 284 миң евро миқдорда инвестиция киритилиши кўзда тутилган. Бу инвестиция асосан дастгоҳлар ва хом ашёлардан ташкил топган бўлиб, келтирилаётган дастгоҳлар маҳсулотларни ҳаво ёрдамида йиғиштириш, ёғочни ультратовуш билан шаклини керакли радиусда бўкиб беради. Бу эса хом ашёни тежаш демакдир.

Дўконларни кўздан кечириб эканми, корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб катталарига гувоҳ бўлдик. Чунки маҳсулот хилма-хиллиги, нархининг ҳамёнболлиги, сифатининг юқорилиги хариддорларни ўзига жалб қилапти. Юртимизда бундан кўпроқ импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўпайишига ишончимиз янада ортиб, корхона бўйлаб сафаримизни якунладик.

Фаррух БАХРОМОВ
Козим Улмасов олган сурат

Тошкентда 7 ноябрь кунини Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда икки мамлакатнинг савдо, сармоя, иқтисодий, қишлоқ ҳўжалиги, тоғ-кон саноати, металлургия, енгил саноат ва тўқимачилик, тиббиёт, фармацевтика, кимё ва озиқ-овқат саноати, электрон маҳсулотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, концерн ҳамда компаниялари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари иқтисодий соҳада ҳам жадал ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуварларида эришилган қилаётган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил июнь ойида Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, икки томоннинг ҳам имкониятларини кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Форумда хитойлик ишбилармонлар юртимизда изчил амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийимизни тараққий эттиришга хизмат қилаётган ислохотларнинг бориши билан танишди. Тадбирда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ АНЖУМАНИ

имкониятлари, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

— Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда, — деди Шэньси провинцияси ҳукуматининг бош котиби ўринбосари Сун Анху. — Мамлакатингиз билан нефть ва газ, металлургия каби соҳаларда ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Мазкур бизнес-форумда Шэньси провинциясидан кўплаб фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда. Улар ўзбекистонлик ишбилармонлар би-

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида «World Travel Market – 2012» халқаро сайёҳлик кўргазмаси ўз ишини бошлади. Мазкур кўргазмада Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳам кенг намойиш этилмоқда.

ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Мамлакатимизда сайёҳларнинг қизиқиши ва талабларига жавоб берадиган шарт-шароит мавжуд, соҳа йўналишлари тобора кенгаймоқда. Жумладан, сайёҳликнинг тарихий-меъморий, сафар, спорт, рафтинг, экотуризм, археологик, фольклор-этнографик, агротуризм, соғломлаштириш, маданий ва маърифий каби турлари изчил ривожланмоқда. Мамлакатимиздаги мустақам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳам-жаҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбек-кона меҳмондўстлик юртимизга келаётган сайёҳлар оқими янада кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини изчил мустақамлаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол интеграциялашга хизмат қилади.

Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатларида сайёҳлик соҳасида ўтказилаётган нуфузли халқаро кўргазма, ярмарка ва фестивалларнинг фаол иштирокчиси. «Ўзбектуризм» миллий компанияси мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга танитишда дунёнинг кўплаб давлатларидаги компаниялар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўзида Испания, Германия, Россия, Франция, Япония, Италия, Туркия, Латвия каби мамлакатларда ўтказилган сайёҳлик ярмарка ва кўргазмаларида мамлакатимизнинг туристик имкониятлари кенг намойиш этилди. Буюк Британияда ўтказилаётган сайёҳлик кўргазмаси ҳам Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини тўла намойиш этиш учун яна бир қулай имкониятдир.

«World Travel Market – 2012» дунёдаги нуфузли халқаро кўргазмалардан бири ҳисобланади. Ушбу кўргазмада икки юзга яқин мамлакатдан беш ярим мингга яқин сайёҳлик фирма ва компаниялар, йигирма уч мингдан зиёд соҳа вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этмоқда. Мазкур тадбир сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида муҷассам этган. Унда бизнес, экзотика, экологик, спорт, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, инновациялар ва замонавий технологиялар, соғломлаштириш, он-лайн саёҳат, авиаташув каби йўналишларга оид ўнлаб турдаги бўлимлар ишлаб турибди.

Лондонда ўтказилаётган туризм форумида Ўзбекистон миллий тенди ўзининг бетакорор дизайни билан кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборини жалб қилмоқда. Унда ёрқин миллий матолар, мамлакатимизнинг гўзал масканлари тасвирлари, тарихий обидалар ёрдамида юртимизга хос муҳит яратилган. Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари ҳақидаги маълумотлар ва суратларни ўз ичига олган альбомлар, турли буклет ва нашрлар сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилари эътиборига ҳавола этилмоқда.

«World Travel Market – 2012» халқаро сайёҳлик кўргазмасида мамлакатимизнинг «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари», «Afsona Travel», «Orient Voyage», «Megatour», «Asiatour» ва бошқа компания ҳамда фирмалари иштирок этаятир.

«Ўзбектуризм» компаниясидан маълум қилишларича, ушбу халқаро кўргазма жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижий сайёҳлик компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туристик бизнес ривожининг замонавий тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридagi янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

лан ҳамкорлики янада кенгайтириш ва мустақамлашдан манфаатдор.

Ўзбекистон ва Хитой тадбиркорларнинг ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг сармоявий салоҳияти ва иқтисодий ривожланиш тенденциялари акс этган тақдиротлар ўтказилди.

— Компаниямиз гишт ишлаб чиқариш учун мўлжалланган технологиялар, асбоб-ускуналар тайёрлаш билан шуғулланади, — деди «Huangcheng Yuquan Machinery Production Group» компанияси бош директори Чен Хайтао. — Ўзбекистон тез ривожланаётган мамлакатлардан. Юртингизда чет эллик сармоядорларнинг иш юритиши учун яратилган қулай сармоявий муҳит хитойлик бизнесменларнинг ҳам ҳамкорлик қилишга қизиқишини оширмоқда. Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида компаниямиз ваколатхоналарини очиб ниятидамиз.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси билан Хитой Халқаро савдога кўмаклашиш кўмитаси Шэньси провинцияси бошқармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Ўзбекистон компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперациявий биржа бўлиб ўтди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда «Микромолиялаш соҳаси тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», шунингдек, бошқа бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

• Бухоро шаҳрида перинатал марказ фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган уч қаватли марказда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча шароит яратилган. Патология, жарроҳлик, реанимация-интенсив даволаш бўлимлари сўнгги русумдаги даволаш ва диагностика техникаси ҳамда асбоблари билан жиҳозланган. Бу ерда бир йўла 100 нафардан зиёд она ва болага тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

• Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаси муҳокамага бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар, мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Япониялик олимлар инсонни орқикча вазндан ҳалос этувчи антика кўзойнак яратди. Мазкур кўзойнақларга ўрнатилган маҳсул ойна тановул қилинаётган таом ҳажмини қарийб эллик фоизга катталаштиради. Ундаги ҳид тарқатувчи ускуна киши димоғини овқатнинг хушбўй ҳиди билан тўйдириш хусусиятига эга. Бу одамда овқат ейишга бўлган истакни сўндиради. Бундай ажабтовур кўзойнакни тақиб овқатланган ҳар қандай инсон одатдагидан ўн фоиз кам миқдорда таом истеъмол қилар экан. Японияда ўтказилган «Digital Content Expo» кўргазмасида намойиш этилган бу инновацион технология 2013 йилда сотувга чиқарилади.

• АҚШлик кашфиётчилар ҳар қандай батареяларни қувватловчи ускуна ўрнатилган пойабзал яратди. Бундай пойабзал кийган киши ҳаракатланаётган вақтда ҳам мобил телефон ёки планшет, ноутбукларни осонгина қувват олдириши мумкин. Маълумотларга кўра, энергия ҳосил қилувчи суоқлик қопланган ушбу пойабзал ерга кадам қўйилган заҳоти тахминан йигирма ватт электр энергияси ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Мутахассисларнинг айтишича, мазкур янги пойабзал кишига ҳеч қандай хавф ва ноқулайлик туғдирмайди. Баҳоси арзон бўлган бундай пойабзалларни АҚШнинг исталган дўконларидан харид қилиш мумкин.

• Жанубий Кореянинг Йонгван АЭСидаги бир неча атом реакторлари фаолияти вақтинча тўхтатилди. Қалбаки ҳужжатлар орқали атом реакторлари савдоси билан шуғулланувчи компания маҳсулотидида кўплаб техник носозликлар аниқланган. Текширувлар натижаси шуни кўрсатадики, айна дамда номи сир тутилаётган бу компаниянинг атом реакторлари хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Шу боис мазкур техник носоз реакторлар 2013 йилгача мутахассислар томонидан текширувдан ўтказилади. Жанубий Корея иқтисодий вазир Хонг Сук Вунинг таъкидлашича, ушбу атом реакторлари фаолиятининг тўхтатилиши жорий йилда мамлакатда электр энергияси тақчиллигини юзга келтиради.

ҚИСҚА САТРАДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманида жойлашган 10-сонли мусиқа мактаби-

да «Янги авлод – 2012» болалар ижодиёт фестивалининг туман босқичи ўтказилди.

✓ **БУГУН** Сингапур менежмент университети мажлислар залида

Чилонзор туман хотин-қизлар кўмитасининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Миробод туман ҳокимлигида «Ёшлар онгида ёт

ғояларга қарши мафқуравий имунитетни шакллантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида ўқув-услубий семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, унинг доимий комиссиялари ва депутатларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳларининг аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, унинг доимий комиссиялари раислари, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг раҳбарлари, мутасаддилар, туман ҳокимлари, бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов 2010 йил 27 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур» деб алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Зеро, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳар бир депутатидан юсак ушқоқлик ва ташаббускорлик кўрсатиш, қонунлар, давлат дастурлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир аниқ вазифаларни ҳал қилиш борасидаги фаолият устидан парламент, депутатлик назоратини амалга ошириш талаб этилади.

Семинар-тренингда Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши иши билан яқиндан танишдилар. Шаҳарда фаолият олиб бораётган Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда унинг 6 та доимий комиссиясининг иши сезиларли даражада жонланганлиги, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессияларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонунлар, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар ижро этилишини таъминлаш, шунингдек демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни рўйғба чиқаришнинг долзарб масалалари муҳо-

кама қилиниб келинаётгани қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар энг аввало ҳар бир инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бунинг ёрқин ифодасини кичик бизнес субъектлари ва хусусий мулкдорлар-

қонунларнинг мазмун-моҳияти ва уларни тарғиб этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг роли, кенгашлар ва уларнинг доимий комиссияларининг 2012 йилдаги фаолиятини мониторинги натижалари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари лойиҳаларининг адлия органлари томонидан

ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



ни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларда ҳам кузатишимиз мумкин. Яқинда пойтахтимизда «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Президентимиз ўз маърузасида авваломбор, соҳа ривожини мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштириб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганини таъкидлаган эди.

Аҳолига амалга оширилаётган мазкур тадбирлар моҳияти билан бир қаторда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган

ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши каби масалаларни аҳолига ўз вақтида етказиш бугуннинг долзарб масалаларидандир.

Ана шу вазифа ва масъулиятини тўлиқ англаган семинар-тренинг иштирокчилари – сенаторлар, олимлар ва депутатлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М.Ражабованинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган

ференциядаги «Барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омил» номли маърузасининг моҳияти», Сенат комиссиясининг котиби Д.Сидиковнинг «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг 2012 йилнинг ўтган давридаги фаолиятини мониторинги натижалари», Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Н.Муҳаммадиевнинг «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари лойиҳаларининг адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши масаласи», Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Д.Аюповнинг «Сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти ва доимий комиссиялар ишини ташкил этиш» мавзусидаги маърузалари тингланди ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маърузалар муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи раҳбари, сенат аъзоси Ф.Абдурахимова, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ҳ.Маҳкамов, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари И.Бердибеков, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Бобоқулов, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Т.Матиев, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Т.Назаров ҳамда юртимизда мавжуд партияларнинг Тошкент шаҳар Кенгаши раҳбарлари ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

Тадбирда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва доимий комиссияларининг 2013 йилга мўлжалланган иш режаларини шакллантириш ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этишининг айрим жиҳатлари бўйича услубий тавсиялар» қўлланмасидан фойдаланиш, сенатор, депутат, олим ва амалиётчиларга юқоридagi масалалар юзасидан депутатларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини фойдалантириш каби масалалари кўриб чиқилиб, мазкур масалалар юзасидан жойларда маърузалар қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида долзарб масалаларни муҳокама этиш яқунлари юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиниб келинаётгани ҳамда шаҳар Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари фаолиятини бугунги кун талабларига мувофиқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида янада такомиллаштириш зарурлиги юзасидан тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Тошкентда Ҳиндистон Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастури (ПЕС)га бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, халқаро ва жамоат ташкилотлари ҳамда юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва муқор элчиси Ануmula Гитеш Сарма Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги bosқичга олиб чиқиш, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Мазкур ташриф чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган узоқ истиқболга мўлжалланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига юқори суръат бахш этди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат, ишонч ва азалий дўстлик тамойилларига асосланган ҳамкорлик алоқалари қўллаб-қўлланганини, жумладан, сийёсий, савдо-иқтисодий, сарможий, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида жадал тараққий этмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик дастурига асосан ўзаро талабалар алмашинуви йўлга қўйилган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Ҳиндистон маркази фаолият юритмоқда. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университетида Жавахарлал Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази очилган.

Тошкентда Ҳиндистон маданият маркази иш олиб бормоқда. 2005 йилда ушбу марказга Лаъл Баҳодир Шастри номи берилди. Марказ Ўзбекистондаги қатор вазирлик ва идоралар, олий ўқув юрталари, ҳинд тилига ихтисослашган мактаблар билан мунтазам алоқани йўлга қўйган. Унинг ҳузурда ҳинд тили, ҳиндшунослик бўйича ўқув курслари мавжуд, бу ерда турли маданий дастурлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатларимиз илм-фан намоёндалари ўртасида самарали мулоқотлар йўлга қўйилган. Академик доиралар биргаликда тадқиқотлар ўтказмоқда, семинар ва симпозиумлар ташкил этмоқда. Ҳиндистон дунёнинг қарийб 160 мамлакатидида Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга оширмоқда. Ўзбекистон 1993 йилдан ПЕС дастури бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу дастур доирасида шу кунгача ўзбекистонлик қўллаб-қўлланган Ҳиндистондаги нуфузли олий таълим муассасаларида талаба охириди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар кўп йиллик тарихга эга, — деди Уза муҳбирига Ануmula Гитеш Сарма. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳозирги кунда XXI асрнинг барча талабларига жавоб берган ҳолда, юсак суръатларда тараққий этмоқда. ПЕС дастури Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларданок ушбу дастурга аъзо бўлди. Ҳиндистон халқи Ўзбекистон эришган ютуқларга ҳавас қилади. Ҳиндистон Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастурида иштирок этган ўзбекистонлик ёшлар келгусида мамлакатининг янада равнақ топишига катта ҳисса қўшишига ишонимиз. Ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверади.

Анжуманда ПЕС дастури доирасидаги ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб бораётган бугунги кунда қурилиш материалларига талаб тобора ортмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Узқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Тадбирда мамлакатимизда сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётгани, жорий йилнинг ўтган даврида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 фоизга ўсгани таъкидланди.

Қишлоқ жойлардаги намунавий уй-жойлар қурилиш учун пишқ гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 888 тага етди. «Охангаронцемент», «Кизилкумцемент», «Бекободцемент», «Кувасойцемент» корхоналари тўла қувват билан ишламоқда. Керамзит ва гипс конларидан сифатли қурилиш ашёлари олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 июлдаги «Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Зафаробод туманида йилга 350 минг тонна оқ цемент ёки 760 минг тонна портландцемент ишлаб чиқарувчи корхона қурилмоқда.

Ҳорижий сармоядорларнинг мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Масалан, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда Фарғона шаҳридаги «Moderna Keramic Industries» қўшма корхонасида йилга 3 миллион квадрат метр сопол плиталар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 100 га яқин иш ўринлари яратилиб, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардор, пардозоб сопол плиталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Модернизация самарасида экспорт ҳажми ҳам ошмоқда. 1995 йилда фақат цемент ва шиша буюмлар экспорт қилинган бўлса, ҳозир уларнинг тури ўттиздан зиёддир.

Тадбирда ташқи ва ички бозорларда маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардорлигини ҳамда экспорт салоҳиятини янада ошириш, маҳаллий хом ашёдан кўпроқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби масалалар муҳокама қилинди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Сайёра ШОЕВА

ОИЛА — ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок ижтимоий-сиёсий соҳада кучли ҳуқуқий демократик давлат ва жамият, иқтисодиёт соҳасида турли мулк шаклларига асосланган бозор муносабатлари қуришни мақсад қилиб қўйди. Шу маънода кенг кўламли ислохот олиб борилмоқда ва унинг натижалари муваффақиятли бўлмоқда. Ислохотнинг пировард мақсади — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятини ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Хабарингиз борки ҳар бир йил долзарб йўналишларда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммо ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда номланиб келмоқда. Жумладан, 2000 йил — «Соғлом авлод йили», 2001 йил — «Оналар ва болалар йили», 2009 йил — «Ёшлар йили», 2010 йил — «Баркамол авлод йили», 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили» деб номланди. Бу йилларнинг номланиши бир-бирига ҳамоҳанг, мазмун моҳияти жиҳатидан бир-бири билан узвий боғланганлигини кўриш мумкин. Энг муҳими, баркамол авлоднинг тарбиялашда ёшларимизга нафақат билим бериш, балки уларни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига — маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, фан ва бошқаларга қизиқтириш муҳим ҳисобланади. Шу маънода олганда, шахс хусусиятлари ва унинг баркамолликка интилиш даражалари, шахсини комил инсонга айлантириш таъминининг мақсади сифатида қурилиши бежиз эмас, албатта.

Демак, ислохот жараёнида қабул қилинаётган ва амалга киритилаётган қўллаб қонун ҳужжатлари инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Бу жараён халқимизнинг тарихий анъаналарини, урф-одатларини, миллий-маънавий қадриятларини ҳисобга олиб давом эттирилмоқда. Шу мақсадда 1998 йил мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилиниши ва эътиборлиси, шу йили Оила кодекси қабул қилиниши жамият ва давлатнинг таянчи ҳисобланган оилга бўлган алоҳида эътибордан дарак беради. Эътироф этиш ло-

зимки, Оила кодексининг 1-моддасида қайд этилганидек, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилани муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдиди унинг барча аъзоларининг масъулият ҳисси асосида қуришдан, бирор-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашушига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқсинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, мамлакатимиз Президентининг томонидан Ўзбекистонда 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб белгиланиши ва бунда «оила олдиди турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — авваломбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқлиги», оилани мустаҳкамлаш, унинг жамият ва давлатдаги барқарорлигини таъминлашнинг асосий элементларидан бири сифатида қароши мумкин.

Шу муносабат билан оила тушунчаси, унинг ўзига хос институт сифатидаги моҳияти, ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари, оила қонунчилигининг тизими, оила — жамият — давлатнинг ўзаро муносабатларидаги барқарорлиқни тушуниш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ҳолатлардан келиб чи-

қиб, мустаҳкам оиланинг ҳуқуқий асослари ва негизларини ёритиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга бўлган эътибор йилдан-йилга кучайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон ва унинг фаровонлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини янада оширишга қаратилганлигини эътироф этган ҳолда оилани мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқилганлигини айтиб ўтиш зарур. Юқориди таъкидланганидек, 1998 йил — «Оила йили» деб эълон қилиниши ва унда оилаларимизнинг аҳамияти ва ўрнини оширишга қаратилган қўллаб қораттадирлар белгиланганлиги алоҳида Давлат дастурининг қабул қилинганлиги кейинги йилларда Ўзбекистонда оилаларга бўлган тасаввур ва ёндовуларни ижобий жиҳатларини оширишга хизмат қилди. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасида оила, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигига эътибор кучайтирилиб келинди. Мазкур ислохотлар, чора-тадбирлар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ишларнинг самараси ўлароқ, Юртбошимиз томонидан 2012 йил Ўзбекистонда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам катта маъно ва мазмун мавжуд. Зеро, Президент таъбири билан айтганда, «Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва сунъчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғини деб қабул қилишимиз заммирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришимиз ҳеч қандай ҳолати йўқ».

«Мустаҳкам оила йили»да оилани ҳақиқатан ҳам жамият ва давлат таянчига айлантириш, оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва ролини янада кучайтириш, аёлларнинг оиладаги ўрни ва болалар тарбиясидаги масъулиятини ошириш, бу борада ташкилий-ҳуқуқий чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

У. ШАРАХМЕТОВА ТДЮЙ ўқитувчиси

Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари, пойтахтдаги фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Маҳалла – фуқаролик жамиятининг ноёб институти. Истиклол йилларида маҳалла фаолияти самарали йўлга қўйилган тузилмага айланди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича адолатли инсти-

тут сифатида эътироф этилди. Бугун мамлакатимизда ушбу институтнинг обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Бу кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш борасида ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётганидан далолатдир.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ НОЁБ МЕХАНИЗМИ

Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раиси Анвар Аҳмедовнинг таъкидлашича, фуқаролик жамиятини шакллантиришга доир ислохотларни самарали амалга оширишда «Маҳалла» фонднинг ҳам ўз ўрни бор. Фонд ва унинг ҳудудий бўлинмалари бу борада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида фуқаролар йиғинларига уларнинг ташаббусларини ривожлантириш, қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган ваколатларини амалга оширишларида фаол кўмаклашмоқда.

Йиғилишда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилган мамлакатимизни демократлаштириш жараёнини такомиллаштиришда фуқаролик жамияти

институтларининг ролини кучайтиришга оид қоидалар қандай амалга оширилаётгани кўриб чиқилди, ишлаб чиқилаётган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳофизат қилинди.

Айни пайтда фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилатир. Мазкур қонунда фуқаролар йиғинларига қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколати берилган. Туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари вакиллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирадиган, корхона ва муассасалар вакиллари атроф-муҳитни муҳофизат қилиш ҳамда ободонлаштириш масалалари бўйича ҳар чоракда ҳисобот бermoқда. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинида ҳар ойда қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам муассасалари раҳбарларининг Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини бажариш бўйича ҳисоботлари тингланмоқда.

Тадбирда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш имконини бериши қайд этилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири



2012 йил — Мустаҳкам оила йили

«НИҲОЛ» МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда ёшлар онги ва қалбида эзгу гояларни қарор топтириш, уларни юксак инсоний фазилатлар, мустақил ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида миллий санъатимиз, жумладан мусиқа санъатини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилиши миллий мусиқа санъатимизни янада тараққий эттириш, гоявий-бадий теран асарларни яратиш, ўз услубига эга иқтидорли ижрочиларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бераётгани бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Икки кун давом этган «Ниҳол» мукофоти кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи «Гулшан» маданият уйи ва 22-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Танловда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган туман саралаш босқичида голиб деб топилган 60 нафар қобилиятли ёшлар 5 та йўналиш бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Танловда жамоат ташкилотлари вакиллари, мусиқашунос олимлар, санъат соҳасида изланаётган ёшлар, уларнинг устоз-мураббийлари ва ота-оналари иштирок этишди.

— Президентимиз раҳнамолигида мустақил демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини оширишдек улуг мақсадлар йўлида олиб борилаётган саяёҳ-ҳаракатларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ҳайъат раиси Ҳабибулла Раҳимов. — Бу жиҳатлар мусиқа санъатини ривожлантириш орқали ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари илҳомлантиришдек эзгу ишларда ҳам яққол намойиш бўлмоқда. Ўйлашимизки бу сарфарги танловда ҳам энг иқтидорли-

лар ушбу юксак мукофотни олишга сазовор бўладилар.

Танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз кўшиқ, опера ижрочилиги, рақс санъати йўналишларида туманлараро саралаш босқичларида ўтказилди. Унда 312 нафардан зиёд номзодлар иштирок этдилар ва энг муносиблари шаҳар босқичига тавсия этилди.

— Мен туман ва шаҳар босқичларида иштирок этдим. Келажакда моҳир пианиночи бўлмоқчиман. Ўз куйларим билан нафақат республикамиз, балки халқаро миқёсда ўтказиладиган нуфузли танлов ва фестивалларда иштирок этишни орзу қиламан. Юртбошимиз гамхўрлигида биз ёшларга барча имкониятлар яратилмоқда, улардан унумли фойдаланиш ва юртимиз довуруғини оламга танитиш бизнинг шарафли бурчимиз. «Ниҳол» мукофотига номзодим тавсия қилинганидан жудаям мамнунман. Балки омадим келиб голиб ҳам бўларман. Умид қиламанки бу танлов меннинг келажакдаги ҳаётимда муҳим аҳамият кашф этиб, ёрқин из қолдиради, — дейди Глиэр номи Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг учинчи босқич ўқувчиси Ислам Фуломов.

Дарҳақиқат, юртимизда ўтказиладиган турли фестивал ва танловлар истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларнинг ижодини тарғиб қилиш, фаолиятини янги юксак талаб ва мезонлар асосида ташкил этиш имконини бermoқда. Шу ўринда ёш истеъдодларни кашф этишда «Ниҳол» мукофотининг ўрни ва аҳамияти гоят катта.

Танловнинг шаҳар босқичи кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида гоят кизгин ва кўтаринки руҳда ўтди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида Халқ таълими вазирлигининг болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этишнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақидаги ахбороти тингланди.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

Тадбирда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси А.Маматов, Халқ таълими вазири Т.Ширинов ва бошқалар мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга босқичма-босқич таълим бериш, юксак маънавиятли ҳамда соғлом фикрлайдиган шахсларни тарбиялашнинг самарали механизми шаклланиши таъкидлади. Бу борада ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Соҳани янада ислоҳ этиш мақсадида 2007 йил 25 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда давлат мактабгача таълим муассасаси, нодавлат мактабгача таълим муассасаси ва қисқа мuddатли гуруҳлар тўғрисидаги низоомлар тасдиқланган. Бу давлат мактабгача таълим муассасаларини янада такомиллаштириш имконини берди.

Бугун мамлакатимизда 4978 та давлат мактабгача таълим

муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз томонидан уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, техник ҳамда ўқув-услубий жиҳозлар билан таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Масалан, ҳар йили давлатимиз таълим соҳасига ажратаётган маблағларнинг ўртача 10 фоизи мактабгача таълим муассасаларини таъминлашга йўналтирилмоқда. 2012 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 343,9 миллиард сўмдан ошди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳам фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Тадбирда мактабгача таълим муассасаларида тарбия ишларини такомиллаштириш, педагоглар малакаси ва маҳоратини ошириш, таълим жараёнига замонавий педагог технологияларни жорий этишга доир ишлар таҳлил этилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сардор ТОЖИЕВ

ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР КАТАЛОГИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳамда бозорини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти кенг ривож топмоқда.

Очiq дастурий таъминот, унинг маҳсулотларга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. — Дастурий маълумотлар тайёрлаш билан шуғулланиб келаётган корхоналар сони 240 тадан ошиб кетди, — дейди агентликнинг бўлим бошлиғи З.Раҳматуллаев. — Бундай ўсишнинг сабабларидан бири дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани учун ўз вақтида солиқ имтиёзлари жорий қилинганлигидан айни вақтда жойларда ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг филиаллари очилмоқда.

Миллий дастурлар ва дастурий воситалар каталоги тайёрланиши ҳам айни муддао бўлди. Мазкур каталогнинг асосий мақсади дастурий воситалар бозорини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Каталоглаштириш дастурини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобини юритиш билан яқиндан шуғулланади.

Дастурлаш бўйича танловлар ўтказиш ва иқтидорли ёшларни аниқлаш, дастурий маҳсулотлар оламидаги янгиликлар билан таништиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Дастурий воситалар ишлаб чиқариш бўйича буюртма ва лойиҳаларни эълон қилиш билан ҳам шуғулланилади.

Акбар АЛИЕВ

ЖАМОАТ КЕНГАШЛАРИНИНГ РОЛИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ижтимоий шериклик ва жамоат назорати тизимида жамоат кенгашларининг роли ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда депутатлар, вазирилик ва идоралар мутахассислари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, тижорат, нодавлат нотижорат ташкилотлари масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг янада тараққий этишида янги даврни бошлаб берганини таъкидлади. Концепцияда белгиланган вазифалар доирасида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам бу борадаги ишлардан дидир.

Мазкур қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик бўйича жамоат кенгашлари шакллантирилиши ва фаолият юритиши тартибини белгилаш билан боғлиқ масалалар ақ эътирилади. Давра суҳбатидида шу ҳақда фикр юритилди. Жумладан, жамоат кенгашларини ташкил этиш мақсадлари, уларнинг вазифалари ва асосий фаолият йўналишлари ҳамда таркибий шакллантириш, ташкилий-техник таъминоти, ҳисоботларни тақдим этиш тартиблари кўриб чиқилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик ва жамоат кенгашларини ташкил этиш тартибини янада аниқлаштириш лозимлиги, шунингдек, мазкур кенгашлар тегишли давлат органлари ҳузурини фаолият юритиши мақсада мувофиқлигини қайд этди. Шунингдек, қонунда жамоат кенгашларининг мустақил қарор қабул қилишдаги масъулияти, кенгаш раиси ваколатларини белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Тадбирда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Н.АБДУРАИМОВА

РЕКЛАМА ВА АЭИОНЛАР

«Respublika Mulk Markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида

ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига такроран Учтепа тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан, ФИБ Оҳангарон туман судининг 24.06.2011 йилдаги 4376-2011-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси, 32а-уй манзилда жойлашган ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент вилояти худудий минтақавий филиалида сақланаётган «Газ-31029» русумли д/р ЗОВ7216 бўлган 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 3 500 000 сўм.

Аукцион савдолари 2012 йил 4 декабрь кунини соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 30 ноябрь кунини соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЕАЖнинг ОАИМК «Ипак йўли Банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежи 1973 йилда қурилган таъмирталаб ошхонани ижарага беришини маълум қилади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида 6 ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассислари бўлган юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1.Юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.
2.Умумий овқатланиш ташкил этиш соҳасидаги фаолият, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома.

3.Махсус моддий-техник база ва озиқ-овқат технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 8-мавзе, Лутфий кўчаси, 47-уй, 2-Тошкент юридик коллежи биноси.
Тел: 273-85-92, 273-88-94.

Жаҳон ихтисодиёти ва дипломатия университетини қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи жамоаси академик лицейининг бош ҳисобчиси Элёр Утаганова волидаи муҳтарамаси

Ёйзода Рўзиевна УТАГАНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



РАҚС ВА СПОРТ ПЛАСТИКАСИ ТАНЛОВИ

Пойтахтимизда IV Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови бошланди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Форум юниор спорт» маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз ёшлари билан бирга хорижий давлатлардан ҳам вакиллар иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳамоллигида ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилган эзгу сазъ-ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жиҳатлар болалар спортини ривожлантириш, ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш каби эзгу ишларда ўз ифодасини топмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўқувчиларнинг таълимдан ташқари бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови бу йўналишдаги ибратли лойиҳалардан биридир.

Жорий йилда ушбу танловда юртимиз ва хорижий давлатлардан 700 нафардан ортиқ иқтидорли ёшлар иштирок этмоқда. Улар анъанавий спорт бал-рақслари, миллий рақслар, эркин услубдаги рақс, спорт акробатикаси, бадиий гимнастика бўйича ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Тадбирнинг биринчи кунини мазкур йўналишлар бўйича Тошкент шаҳар саралаш босқичи ўтказилди. Иштирокчилар ижросини баҳолашда асосий эътибор ижро техникаси ва пластикаси, унинг бадиий ва хореографик жиҳатлари, мусика, либослар ва хореография уйғунлигига қаратилди.

Танловда бир қатор мусобақалар, фотоқўرғамалар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, велосипедчилар, роллерлар, скейтерлар мусобақаси тадбирда янада завқ ва жўшқинлик бағишлайди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Миробод тумани 60-умумтаълим мактабида «Ораста қизлар» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этди.

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, қизларни эрта турмушга чиқуш ҳолларини олдини олиш, улар орасида содир этилаётган эрта турмушларга барҳам бериш, демократик жамият қурилишида аёлларнинг ролини ошириш борасида шаҳар халқ таълими тизимида бир қатор ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилаётди. Жумладан, «Ораста қизлар» кўрик-танлови ҳам бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловда Тошкент шаҳридаги 11 та тумандан жами 110 нафар ўқувчи қизлар иштирок этди. Иштирокчилар 7 дақиқалик сахна кўриниши орқали актёрлик маҳоратларини намойиш қилишди. Унда ота-она

ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, оиладаги соғлом ва носоғлом муҳитнинг бола онгига таъсири, чуқур таълим олиш, дарсларга қатнашиш, давоматни яхшилаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, одам савдоси ва унинг оқибатлари, бўш вақтдан унумли фойдаланиш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, оммавий маданият шакллари билан маънавий ҳаётимизга таъсири, ёш қизларнинг ўсимлик давридаги руҳий ҳолати, интернетнинг ёшлар ҳаётида тугган ўрни, миллий қадриятлар, қўни-қўшничилик, ўзаро ҳурматли ёшлар онгига синдириш, бола тарбиясида маҳалланинг ўрни, тиббий маданиятни гўдақликдан шакллантириш, ўқувчилар-

нинг гигиенаси, ёшларнинг, айниқса, қизларнинг кийиниши ва муомала маданияти каби бир қатор йўналишлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Танлов натижаларига кўра, олий ўрин Чилонзор туманининг «Нафосат гўнчалари» гуруҳига насиб этди. 1-ўринни Учтепа туманининг «Учтепа ораста қизлари» гуруҳи, 2-ўринни Олмасор туманининг «Нафосат» ҳамда Миробод туманининг «Ўзбекистон қизлари» гуруҳлари эгаллаган бўлса, 3-ўринни Мирзо Улуғбек туманининг «Шарқ гўзаллари» гуруҳи қўлга киритди.

Тадбир сўнггида ҳар бир тумандан 1 нафардан ўқувчи қизлар танлаб олинди, Тошкент шаҳри жамоаси шакллантирилди. Бу жамоа танловнинг Республика босқичида иштирок этади.

«Туркистон-пресс»

Тадбирлар

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Тадбирда шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, туман ИИБ ва прокуратура вакиллари, маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари, таълим муассасаларида фаолият юритувчи психологлар иштирок этдилар.

Шунингдек, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари М.Зуфаров «Вояга етмаган ёшларни ижтимоий мослашувини таъминлаш борасида «Камолот» ЁИХ томонидан олиб борилаётган ишлар», юридик фанлари номзоди С.Низова «Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликларнинг назарий жиҳатлари», туман ўрта махсус таълим муассасалари психологлари уюшмаси раҳ-

Яқинда Юнусобод туманидаги 17-мактабда «Таълим муассасаларида таҳсил олувчи вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда нотинч-ноқобил оилаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

бари Х.Агзамова «Оилада маънавий етук фарзандни тарбиялаш масалалари» хусусида маъруза қилдилар.

Жумладан тадбирда, вояга етмаган ёшларни шахс сифатида шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, келажакда етук мутахассис бўлиб етишиши учун кучли билим ва тафаккурга эга бўлиши

ҳақидаги мулоҳазали, қизгин фикрлар ўртага ташланди. Вояга етмаганлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари кўпроқ ўтказилиб турилиши, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини унумли ва қизиқарли машғулотларга жалб қилиш юзасидан атрофлича фикрлар билдирилди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан шу йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар совринли ўйин-викторинаси ўтказилади.

СОВРИНЛИ ЎЙИН ВИКТОРИНАСИ

Викторинада қатнашиб, омади кулиб боққан иштирокчиларга нутуқлар, телевизорлар, флеш-карталар, DVD-плеерлар ва кўл соатлари тақдим этилади. Ушбу ўйиннинг асосий совғаси — учта «Matiz» русумли автомобиль янги йил арасида Тошкентда MTVA-2012 фолибларини тақдирлаш маросимида ўз эгаларига топширилади.

Викторинада иштирок этиш учун www.victorina.fondforum.uz сайтида берилган саволларга жавоб бериш лозим. Викторина саволлари «Даррақчи», «Тасвир», «Хумо», «Семья», «БВВ», «Молодежь Узбекистана», «Новости Узбекистана», «Эрудит», «Леда», «Бекажон», «Хуррият», «Маърифат», «Жамият», «Хордиқ» ва «XXI аср» каби газеталарда эълон қилинади. Иштирок этишни хоҳловчилар ушбу сўровномаларни тўлдириб, эълонда кўрсатилган манзилга юборишлари мумкин.

МУЗЕЙДАН ВЕРОНЕЗЕ АСАРИ ТОПИЛДИ

Ўзбекистон давлат санъат музейидан XVI асрда яшаб ижод қилган италиялик rassom Паоло Веронезининг асари топилди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига кўра, картина музейдаги қадимий матога бўёқ билан ишланган сурат қатламининг остида бўлган. Таҳминларга қараганда, собиқ совет даврида бу бебаҳо санъат асарини бошқа музейларга бериб юбормаслик мақсадида шундай қилинган.

Веронезининг асарини топган реставратор-рассом Дилшод Азизовнинг айтишича, картина музей фондида 1929 йилдан, яъни Тошкентдаги Романовлар саройи уни Ўзбекистон санъат музейига тақдим этган вақтдан буён сақланган. Кўп йиллар давомида картина номанълум rassom мўйқаламига мансуб деб келина эди.

— Мен полотнонинг чизилиш услуби, ҳолати, сюжети бўйича унинг Паоло Веронезе мўйқаламига мансуб эканлигини тахмин қилдим, — деди Дилшод Азизов.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Ўзбекистон давлат музейи фондидан яна бир буюк rassom Пабло Пикассо асарининг асл нусхаси топилган эди.

Спорт нафақат инсон танасини, балки унинг руҳиятини ҳам соғломлаштиради, кайфиятини кўтарди. Ҳаётга, ишга, ўқишга бўлган муносабатини янада фаоллаштиради. Шу маънода мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи турли спорт мусобақалари жумладан, футбол бўйича турнирлар ташкил этилмоқда.

СПОРТ — СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Давлат Божхона қўмитаси ва Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган футбол бўйича турнирда ҳудудий божхона бошқармалари, миллий кинология маркази, Олий ҳарбий божхона институти ва «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона мажмуасининг жами 17 та жамоалари ўзаро беллашишди.

Мусобақа ташкилотчиларидан бири, божхона хизмати подполковниги Баҳодир Тошевнинг таъкидлашича, муросасиз кечган ўйинларда ҳар бир терма жамоа ўзига хос муносиб ўйин кўрсатди. Натижаларга кўра, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси учинчи, Олий ҳарбий божхона институти жамоаси иккинчи, Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси жамоаси эса биринчи ўринни қўлга киритди.

Мусобақада фаол иштирок этган ўйинчилар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди. Бу каби мусобақаларни божхона тизими ходимлари ўртасида мунтазам ташкил этиш ҳамда галдаги мусобақалар спортнинг баскетбол ва волейбол турлари бўйича ўтказилиши маълум қилинди.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайриям жамғармаси ташаббуси билан пойтахтимизда спортнинг синхрон сузми тури бўйича ташкиллаштирилган спорт фестивали байрамона тус олди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган спортчилар иштирок этишди. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу фестивал спортнинг синхрон сузми тури ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётганлигини яна бир қарра исботлади.

Байрамона ўтган тадбир якунида мутахассислар муҳлислар эътирофида сазо-

вор бўлган спортчиларга совринлар тўхфа этилди. Қувонарлиси, ушбу ёш спортчилар орасидан Ўзбекистон терма жамоасига номзодлар саралаб олинди.

Эндиликда синхрон сузми бўйича мамлакатимиз терма жамоасининг етти нафар аъзоси Дубай шаҳрида уюштирилган сув спорти бўйича Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

САМБОЧИЛАРИМИЗ МИНСККА БОРИШАДИ

Жорий йилнинг 8-12 ноябрь кунлари Беларус пойтахти Минск шаҳрида самбо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда курраи заминнинг кўпгина мамлакатлари спортчилари қатори Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам совринли ўринлар учун турли вазн тоифаларида голиблик учун кураш олиб боришади.

Биз эса ўзбекистонлик муҳлислар спортчиларимизга омад ёр бўлсин деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1141

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилди.
4864 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотига кўра,
9 ноябрда Тошкент
шаҳри об-ҳаво шароити

Тошкент шаҳрида
9 ноябрь кунини ҳаво ўза-
риб туради, ёғингарчилик
бўлмайди. Шарқдан секун-
дига 3-8 метр тезликда
шамол эсади. Ҳарорат ке-
часи — 4-6 даража илқ,
кундузи — 17-19 даража

ти шаҳар ҳаво муҳитида
зарарли моддаларнинг
бир оз йиғилишига иккинчи
ярамади. Атмосферанинг
ифлосланиши даражаси 1-3
фоиз қўнайиши тахмин
қилинмоқда, тағмиқдори
наст бўлади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ